

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.01.14 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШОДМОНҚУЛОВА МУБОРАК МАХАМАТҚУЛОВНА**

**ЛИБЕРАЛИЗМ ГОЯЛАРИНИНГ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ  
ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ**

**09.00.06 – Гоялар тарихи ва методологияси**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РъД) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

УДК: 323.38:008(575.1)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации  
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract  
of Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

<b>Шодмонкулова Муборак</b> Либерализм гояларининг янги Ўзбекистондаги ижтимоий- маданий жараёнларга таъсири.....	5
<b>Шадманкулова Муборак</b> Влияние идей либерализма на социо-культурные процессы в новом Узбекистане.....	23
<b>Shodmonkulova Muborak</b> The influence of the ideas of liberalism on socio-cultural processes in the new Uzbekistan.....	41
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	45

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.01.14 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШОДМОНҚУЛОВА МУБОРАК МАХАМАТКУЛОВНА**

**ЛИБЕРАЛИЗМ ФОЯЛАРИНИНГ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ  
ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ**

**09.00.06 – Фојлар тарихи ва методологияси**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РӯД) ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**АВТОРЕФЕРАТИ**



Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021\_2\_PhD/FaI611 раҳам билан рўйхатта олинган.

Диссертация Гулистан давлат университетидаги бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз {резюме}) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fs-ik.uz](http://www.fs-ik.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталаси ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шермуҳамедова Нигизаҳон Арслоновна  
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Давронов Зиёдулло Давронович  
фалсафа фанлари доктори, профессор

Рузимова Рухсора Ходимовна  
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент Тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.01.14 раҳамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23 012» соат 14 даги маъжисида бўлиб ўтди (Манзия: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-йй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-кават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: [pauka@tzuu.uz](mailto:pauka@tzuu.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (149-раҳами билан рўйхатта олинган). (Манзия: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-йй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2021 йил «23 012» даги № 14 куни тарқатилиди.

(2021 йил «23 012» даги № 14 раҳами реестр баённомаси).

Н.А.Шермуҳамедова  
Илмий дарражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, фалсафа фанлари  
доктори, профессор

О.М.Муҳаммадиева  
Илмий дарражалар берувчи илмий  
кенгаш хотиби, фалсафа фанлари  
номзоди, доцент

Ж.Ё.Мирзоев  
Илмий дарражалар берувчи илмий  
кенгаш хузуридаги илмий  
семинар раиси, сибсий фанлар  
доктори (DSc)



## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ижтимоий ҳаётнинг либераллашуви тафаккур услубининг ўзгаришида, иқтисодий ишлаб чикаришнинг либераллашуви хусусий мулк, конструктив ракобат ва инсон меҳнатининг қадрланишида, сиёсий соҳанинг либераллашуви ҳалқаро ҳамкорликнинг такомиллашувида намоён бўлмоқда, боскичма-боскич амалга оширилаётган ислоҳотлар бошқарув тизимини либераллаштиришнинг муқобил услубларини яратишни тақозо этмоқда. Либерализм ғоялари давлатнинг ҳалқ манбаатлари ҳимоясини таъминлаш, ягона иқтисодий маконда маданиятлар диалоги ва ижтимоий барқарорликка эришишнинг муҳим омили сифатида долзарб аҳамият касб этмоқда.**

Дунёнинг бир қатор илмий тадқиқот институтлари ва марказларида либерализм ғояларининг инсон дунёқараши ва фаолиятига, фуқароларнинг ўз-ўзини англиши ва мустақил фикрлашига таъсирини очиб беришга оид илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш, аҳоли турмуш фаровонлигига эришиш, тараққиётнинг стратегик мақсад ва вазифаларини белгилаш, мамлакатни модернизация қилишда либерализм ғояларининг устувор йўналишларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда либерализм ғоялари жамият тараққиётининг барча соҳаларида, хусусан одамларнинг давлат томонидан ижтимоий ҳимояси ва амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини тушуниш, уларда даҳлдорлик туйгусининг шаклланиши, бозор муносабатларига асосланган кўп укладли иқтисодиётни ривожлантиришда ўз ифодасини топмоқда, «...жамият ҳаётининг барча соҳаларини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш жарабёнлари изчил давом эттирилмоқда»<sup>1</sup>. Ўзбекистонда демократик руҳдаги либерал ғояларни қиёслаш асосида бугунги кунда амалга оширилаётган демократлаштириш ва модернизациялаш жарабёнининг устувор йўналишларини белгилаб олиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2018 йил 4 майдаги ПФ-5430-сон «Мамлакатни демократик янгилаш жарабёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар хукукларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташабbusларини қўллаб-куватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар», шунингдек, «Тадбиркорлик субъектларининг молиявий

<sup>1</sup> Мирзиев Ш.М. «Миллий тараққиёт йўларини катъият билан давом эттириб, яғи боскичга кўтарамис», 1-жонд. -Тошкент, Ўзбекистон, 2019. -Б. 539.

ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тұғрисида», 2020 йил 24 мартдаги ПФ - 5975-сон «Иқтисодиёттің ривожлантириші ва камбагаллікни кисқартириші» оид Давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тұғрисида», 2020 йил 29 июндегі ПФ-6013-сон «Ўзбекистон Республикасыда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бүйіч ақыннан чора-тадбирлар тұғрисида»ғи Фармонлари, 2019 йил 30 октябрдегі ПҚ-4501-сон «Фуқаролик жамияттің ривожлантириш Маркази фаолияттің күллаб-куватлаш чора-тадбирлар тұғрисида», 2020 йил 28 апреддегі ПҚ-4699-сон «Рақамлы иқтисодиёттің электрон хукуматтің көң жорий этиш чора-тадбирлар тұғрисида»<sup>1</sup> ги Қарорлари, шунингдек, мавзуга оид бошқа мәсьерий-хукукий хужжаттарда белгиланған вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қиласы.

**Тадқиқоттің республика фан ва технологиялары ривожланиши-нинг устувор йұналишларының бағыттары.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамиятта демократик давлаттың іжтімай, хукуқи, иқтисоди, мадани, маънавий-маърифий ривожлантиришіде инновацион ғоялар тизимини шакллантиришта үларни амалга ошириш йўллари» устувор йұналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражасы.** Ўзбекистон Республикаси Бириңчи Президенти Ислом Каримовнинг асарлари<sup>2</sup> ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлатта жамияттің модернизация қилишінде оид ғоялары ва фаолияттада либерализмнинг моҳияти ва унга амал қилишнинг механизмлари асосланған.

Инсоният тараққиёттің барча давларыда әркін фикр, әркін ҳаёттің ахамияти олимлар ижодининг асосий мавзуларидан бири бўлган. Абу Райхон Берунийнинг «Идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти азият чекканларнинг хукукларини ҳимоя қилиш, бирорларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишдан иборат»<sup>4</sup> лиги ва Форобийнинг бирдамлик ва инсонийлик ҳақидаги ғоялари замонавий либерализмнинг ифодасидир<sup>5</sup>. Ибн Сино әркинликнинг қарор топишида ўзаро келишувнинг ахамияттіни «Инсонлар ўргасида ўзаро келишув зарур бўлиб, бу келишув туфайли адолат қоидалари ва қонунлари ўрнатилади. Қонуншунос бу қоидаларга бажарилиши шарт бўлган мажбурият тусини беради»<sup>6</sup>, деган ғоя асосида очиб берган. Ахмад Юғнакий, Юсуф Хос Ҳожибининг қарашларыда әркинлик ғояларининг одил жамият қуриш, инсон

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасы Президенти Фармонлари, Қарорлари, Қонунлар диссертациянинг фойдаланылган адабиётлар рўйхатынга кирилган.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Асарлар тұплами. 1-24 жиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996-2016.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Буюк келәкагымсиз мәрд ва олесканоб ҳалқымиз билдиң бирга курамиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б. Мирзиёев Ш.М. Милли тараққиёт йўлини катъяш билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Тошкент: Ўзбекистон, 2019. -592 б.; Мирзиёев Ш.М. Ҳалқымизнинг розиаги бизнинг фюзилимизга берилгандан зинг олмай баҳодир. 2-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 2019. -592 б.; Мирзиёев Ш.М. Нияти узут ҳалқонинг иши ҳам улут, ҳаёті друг ва келажаги фаровон бўлади. З-жилд. -Тошкент: Ўзбекистон, 2019. -400 б.

<sup>4</sup> Абу Райхон Беруний. Танланған асарлар. 1-жилд. -Тошкент: Фан, 1968. -486 б.

<sup>5</sup> Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. -Тошкент: Ф.Гулом, 1993. -Б. 160.

<sup>6</sup> Ибн Сина. Избранные философские произведения. - Москва: Наука, 1980. - 478 с.

ҳаёти ва камолотидаги ўрнини, А.Фитрат ижтимоий мухитнинг фикр эркинлигига таъсирини очиб берган.

XVIII - XIX асрларда Европадаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт эркинлиги Т.Гоббс, Жон Локк, Б.Мандевил, А.Смит, И.Кант, И.Бентам асарларида очитб берилган. Т.Гоббс фикрича, «Эркинлик шахс фаолиятининг олий кўринишга эга бўлишидаги ягона сиёсий омилдир», Ж.Локк «Эркинлик либерализмнинг асосий категорияси, унинг тимсолида сиёсий муносабатлар тизими шаклланади», деб таъкидлаган. Г. Спенсер, К. Менгер, О. фон Бём-Баверк либерализм ғоялари жамиятда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётдаги ислоҳотлар омили, Л. фон Мизес, Ф. фон Хайек, М. Ротбард, Р. Нозик ислоҳотлар либерал ғояларнинг амал қилиш механизми деб баҳо берган. Ф.Фукуяма фикрича, «Либерализм жамиятда туб ижтимоий-сиёсий ўзгартиришларга олиб келади, уни жорий этишда муайян сиёсий идеалларга сифат ўзгаришларига олиб келувчи умумажамиятга молик бўлган парадигмадир», Д. Харви «Неолиберализм ғоялари глобал мафкуравий ўзгаришларнинг асосини ташкил этади» деган бўлса, Дж. Ролз, Э. Тоффлер, Ю. Хабермас ижтимоий либерализм жамият фаровонлигини таъминлаш билан бирга, муайян муаммоларни шакллантиради, деб таъкидлаган.

МДҲда Е. Г. Ясин, Е. Т. Гайдар, И. Зайцева, И. М. Клямкин, Б. Г. Капустин либерализм ғояларининг бозор иқтисодиёти ривожлантиришда намоён бўлишини асослаган. А. В. Головченко либерал таълимот ва унинг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий хусусиятларини тадқиқ этган. К.С.Гаджиев либерализмни алоҳида олинган бир мамлакатда ва умуман дунё миқёсида бир-биридан фарқ қилувчи турли кўринишларда намоён бўладиган феномен сифатида таърифлаган. К. Д. Кавелин, Б. Н. Чичерин, А.Д. Градовский, П.И. Новгородцев, В.Ф. Пустарнаков, А. Я. Аврех, В. Леонтович либерализм ғояларини танқид килган<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда Ҳ.Бобоев, Ш.Пахрутдинов, Р.Жумаев, Ж.Мавлонов, М.Қирғизбоев, И.Эргашев, У.Идиров, Ҳ.Ахмедов либерализм ғояларининг иқтисодий сиёсий ривожланишдаги ролини, И.Саифназаров, Э.Муминов, Ф.Мусаев, О.Жумаев ижтимоий фалсафий жиҳатларини, А.Эркаев, Г.Туленова, Л.Мухаммаджонова<sup>2</sup> маънавий янгиланиш жараёнларида либерал тафаккурнинг аҳамиятини, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ролини очиб берган.

Турли даврларда нашр этилган адабиётларнинг таҳлилида либерализм ижтимоий сиёсий тадқиқотларнинг обьекти эканлиги, бироқ уларда либерализм ғояларининг ижтимоий жараёнлардаги барқарорлик ва бекарорлик диалектикасида намоён бўлиши етарли асосланмаганлиги боис, ушбу тадқиқот ишида янги Ўзбекистонда либерализмнинг ижтимоий маданий аҳамиятини асослашга ҳаракат қилинган.

<sup>1</sup> Муаллифларнинг илмий тадқиқот ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатига киритилган.

<sup>2</sup> Муаллифларнинг илмий тадқиқот ишлари мавзулари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатига киритилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғликлиги. Тадқиқот Гулистон давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг Да-14 «Демократик жамият тараққиётининг устувор йўналишлари» доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади либерализм гояларининг ижтимоий-иктисодий, сиёсий, фалсафий, тарихий маданий мазмунининг янги Ўзбекистон тараққиётининг стратегик мақсадларига мослигини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

либерализм гояларининг дунёнинг мафкуравий манзараси ўзгаришига таъсир механизмларини аниглаш ва уларнинг ижтимоий-сиёсий тақозолангандигини очиб бериш;

Ўзбекистонда либерал гояларнинг ривожланиш йўналишларини ва уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини асослаш;

либерализм гояларининг мафкуравий, ахлоқий жиҳатларининг аҳамияти ва қадриятли мўлжалларини очиб бериш;

либерал гоялар жамиятда ижтимоий онг ва тафаккур услуби янгиланишининг назарий асоси эканлигини асослаш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида жамият ижтимоий тараққиёти, сиёсий жараёнларнинг либераллашуви олинган.

Тадқиқотнинг предметини янги Ўзбекистонда амал қилаётган либерализм гояларининг тадқиқи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуслари. Диссертацияда анализ ва синтез, киёсий таҳлил усуслари, тизимли ёндашув ва тарихийлик тамойилларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

Янги Ўзбекистондаги либерализм гоялари тафаккур стереотипларини ўзгартириш, иктисодий-маънавий ислоҳотларни амалга оширишининг назарий асоси ва хуқуқий мезони, сиёсий-ижтимоий ислоҳотларнинг мөъёри ва улардан тизимли фойдаланиш ижтимоий тараққиёт омили эканлиги аҳолининг ижтимоий онгидага ўз ифодасини топаётганлигининг фалсафий жиҳатлари очиб берилган;

либерализм гоялари жамият тараққиёти барқарорлигини таъминлашда аҳолининг мафкуравий иммунитетини шакллантириш, миллӣ ўзликни англаш, ижтимоий фойдали меҳнат билан шугулланиш, мақсадли фаолиятини ташкил этиш омили эканлиги ёшларни иш билан таъминлаш жараённанда амал қилаётганлигининг мафкуравий аҳамияти ижтимоий жараёнларда намоён бўлаётганлиги очиб берилган;

янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида либерализм гоялари миллӣ мафкурани тарғиб этиш методологияси сифатида давлат бошқарувида ислоҳотлар ислоҳотлар учун эмас, инсон манбаатларини химоя қилишга йўналганлигининг ижтимоий аҳамияти аҳоли турли қатламлари онгидага дахлдорлик туйғусининг шаклланганлиги ва уларнинг шу жараёнларда иштирокида ўз ифодасини топаётганлигининг фалсафий жиҳатлари асосланган;

сиёсий лидер фаолиятида либерализм гояларидан жамият бошкарувини тизимли ташкил этиш ва давлатнинг халқаро даражада эътирофига эришишида фойдаланишининг аҳоли ижтимоий ҳимоясининг таъминлашга оид жараёнларда ўз ифодасини топаётганилиги асосланган ва либерализм гоялари фуқаролик жамиятини куришнинг ижтимоий назарий асоси эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари кўйидагилардан иборат:**

либераллашув гояларидан янги Ўзбекистондаги ислоҳотларни босқичма босқич амалга ошириш, давлатнинг халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, одамларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, сўз эркинлиги, фуқаролик хукукини таъминлашга оид қонун ҳужжатлари ва меъёрларини ишлаб чикишда фойдаланишининг аҳамияти очиб берилган;

либерализм гояларининг Ўзбекистондаги сиёсий партиялар, давлат бошкарви ва аҳоли турли қатламларининг ижтимоий ҳимояси ташкил қилиш, ёшлар онгода мағкуравий иммунитетни тарбиялаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда эркин фикрлашга эришишга оид амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

янги Ўзбекистонда либерализм гоялари демократик ислоҳотларни амалга оширишининг назарий асоси ва ижтимоий зарурат эканлиги очиб берилган;

сиёсий партияларнинг фаолиятида либерализм гоялари мағкуравий маконда барқарорликни таъминлаш омили ва бунёдкор куч эканлиги асосланган, улардан зиддиятли муаммоларни бартараф этишда фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАҚ рўйхатидаги маҳсус ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, амалий таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ва олинган натижаларнинг илмийлиги ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти либерализм гояларининг дунё мағкуравий манзарасида демократик ислоҳотларни амалга оширишининг мезони, одамлар тафаккурини ўзгартириш омили, ижтимоий шерикликнинг тақозоланганилиги ва унинг аҳамиятига оид илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти либерализм гояларидан янги Ўзбекистон таракқиётининг мазмуни ёритилган ўкув услубий кўлланмалар, монографиялар, плакатлар, шунингдек, «Фалсафа», «Сиёсатшунослик», «Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси», «Фуқаролик жамияти» фанлари бўйича маъруза матнларини тайёрлаш, ОАВдаги мағкуравий тарбияга оид кўрсатувларда, республика вилоятлар, туманлар маърифат марказларининг тарғибот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий килиниши. Янги Ўзбекистон тараккиёти стратегиясида либерализм ғояларини ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тадқиқот натижалари асосида:

Янги Ўзбекистондаги либерализм ғоялари тафаккур стереотипларини ўзгартириш, иқтисодий-маънавий ислоҳотларни амалга оширишининг назарий асоси ва хукукий мезони, сиёсий-ижтимоий ислоҳотларнинг меъёри, улардан тизимли фойдаланиш ижтимоий таракқиёт омили эканлиги ахолининг ижтимоий онгига ўз ифодасини топаётганлигининг фалсафий жиҳатларининг моҳиятини очиб беришга оид услубий қўлланмаларида фойдаланилган («Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – ЎзЛиДеП Марказий кенгашининг 2020 йил 26 майдаги 04-13/2184-сон маълумотномаси»). Натижалар, жамиятда либерал-демократик ғояларнинг иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги роли, тадбиркорлик ва ишбилармонларнинг эркин иқтисодий маконда ўзаро манфаатли шерикчиликга илмийлик мезонлари асосида таянишнинг заруратини тушунишига хизмат қилган;

либерализм ғоялари жамият таракқиёти барқарорлигини таъминлашда ахолининг мафкуравий иммунитетини шакллантириш, миллий ўзликни англаш, ижтимоий фойдали меҳнат билан шугулланиш, мақсадли фаолиятини ташкил этиш омили эканлиги ёшларни иш билан таъминлаш жараённада амал қилаётганлигининг мафкуравий аҳамияти ижтимоий жараёнларда намобён бўлаётганлигига оид хуносалардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг ахолининг турли қатламлари онгига мафкуравий жараёнлар моҳиятини тушунтиришга багишланган маънавий тадбирларни тизимли ташкил этишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 11 мартағи 02-07-326-сонли маълумотномаси). Натижалар, маънавият маърифат маркази ходимларининг маҳаллаларда янги Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг моҳиятини тушунтиришга оид маърузалар, давра сухбатларини илмийлик мезонлари асосида ташкил қилишга ва ахолининг ислоҳотлар моҳиятини чукур англашига хизмат қилган;

янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегиясида либерализм ғоялари миллий мафкурани тарғиб этиш методологияси сифатида давлат бошқарувида ислоҳотлар ислоҳотлар учун эмас, инсон манбаатларини химоя қилишга йўналанганлигининг ижтимоий аҳамияти аҳоли турли қатламлари онгига даҳлдорлик туйғусининг шаклланганлиги ва уларнинг шу жараёнларда иштирокида ўз ифодасини топаётганлигининг фалсафий жиҳатларини очиб беришга оид хуносалардан Ўзбекистон республикаси ёшлар иттифоқининг давлат, нодавлат ва хусусий секторнинг ижтимоий ҳамкорлигини таомиллаштириш механизmlарини ишлаб чиқишида фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгашининг 2021 йил 19 октябрдаги 04/13-1509-сон маълумотномаси). Натижалар, либерал ғояларнинг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган маънавий маърифий тарғибот ишларида ва ёшлар иттифоқининг Ахборот таҳлил бошқармасида ёшлар фаолиятига мониторингини тизимли ташкил қилишга хизмат қилган;

сиёсий лидер фаолиятида либерализм ғояларидан жамият бошқарувини тизимли ташкил этиш ва давлатнинг халқаро даражада эътирофига эришишида фойдаланишининг ахоли ижтимоий химоясининг таъминлашга оид жараёнларда ўз ифодасини топаётганилиги асосланган ва либерализм ғоялари фуқаролик жамиятини қуришининг ижтимоий назарий асоси эканлигига оид хулосалардан Марказ фаолиятида (“Миллий тикланиш” ДП Марказий Конгрунциянинг 2021 йил 26 июлдаги №142/5 Маълумотномаси) фойдаланилган. Натижалар давлат ва жамият бошқаруви карорларининг ижросини таъминлашда фуқароларнинг фаол иштирокига эришиш, уларда миллӣ гурур туйгусини шакллантиришга хизмат килган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий конференциялардаги маъruzаларда баён этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон килиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, 1 та хорижий журнал, 24 та республика конференциялари ва 2 та халқаро конференцияларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, 9 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат, диссертациянинг ҳажми 138 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кириш қисмida мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, обьекти, предмети, методлари, мақсад ва вазифалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётта жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар сони, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми асосланган.

Диссертациянинг «Либерализм ғояларининг мафкуравий жиҳатлари ва ижтимоий аҳамияти» деб номланган I – бобида либерализм ғоясининг ижтимоий аҳамияти, жамият таракқиётининг муайян босқичидаги трансформацияси очиб берилган.

Диссертацияда “либерал” сўзи (liber) “эркинлик”, “либерализм” (liberalisme) “хурфикрлилик” маъносини билдириши, фалсафий-иқтисодий назария ва сиёсий мафкура сифатида инсон эркинлиги ҳақидаги таълимот эканлиги инглиз олимлари И.Бентам, Ж.Милль, француз сиёсатшунослари Б.Констан, А.Токвиль, немис олимлари В.Гумбольдт, А.Штейн асарларининг қиёсий таҳлили асосида очиб берилган. Таҳлилга кўра, либерализм мафкурасида сиёсий нуқтаи назардан эркин ахборот алмашиш, давлат ва черков ҳокимиятини чеклаш, хукук устуворлиги, хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик эркинлиги кафолатланади.

Муаллиф фикрича, либерализмда ижтимоий гурухлар ёки муассасалар, алоҳида одамларнинг хукуқ – манбаатлари химоя қилинади ва алоҳида субъектларнинг максадлари даражаси билан ўлчанади. Инсон фаровонлиги ва баҳт-саодатига эришиш либерализмнинг мақсадидир, шу нуқтаи назардан, либерализм алоҳида шахс ташаббусларини ижтимоий тартибга солиш механизми сифатида амал қиласди.

Диссертацияда либерализм ғояларининг ривожланиш босқичлари таснифланган, унинг қадимги Юон ва Рим маданияти, Шарқ сиёсий тафаккуридаги хурфикрлилик анъаналари ва Ўйғониш давридаги либерализм ғояларининг табиий-илмий, фалсафий, ахлоқий, эстетик, ижтимоий-сиёсий карашлар билан мутаносиблиги очиб берилган. Муаллиф Н.Кузанскийнинг «Инсон тафаккури эркинлиги имкониятлари чексиз оламни билишда намоён бўлади» ва Роттердамлик Эразмнинг «Худо барча инсонларни тенг қилиб яратган, уларнинг фазилатлари зодагонлар ёки подшолар авлодига мансублиги билан эмас, тарбияси, мальавияти ва билим даражаси билан белгиланади, эҳтирос ва майллар эркинлиги акл билан бошқарилсанана инсоннинг мальавий киёфаси сакланиб қолади», деган фикрларини асосли деб ҳисоблайди, бирок, бунга эришиш учун инсон билимга таяниши лозим.

Диссертацияда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қиска изоҳли тажрибавий лугат)»да либерализм «жамиятнинг эволюцион ривожланиш йўлини эътироф этувчи ва асословчи назария, амалиёт, ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий оқим», деган таъриф танқидий таҳлил этилган, зеро унга кўра либерализм муайян қолипда ишлаб чиқилган қандайдир соғ мафкуравий оқим сифатида талқин қилинади. Муаллиф фикрича, либерализм ўзига хос етакчи сиёсий ғоя сифатида фуқароларнинг хукуқий тенглиги, давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятининг либераллашувини такозо қиласди ва жамиятда аҳолининг сиёсий эҳтиёжларини қондиришнинг ноёб моделига таянади.

Диссертацияда Ф.Хайек ва Д.Мизеснинг хар қандай иқтисодий режалаштириш сиёсий диктатурага олиб келади, ижтимоий ривожланишининг асосий муаммоси эркин ракобатнинг йўклиги бўлиб, у жамиятда хаосни шакллантиради, бу эса либерализмнинг асосий тамойилларига таҳдид солади,<sup>1</sup> деган фикр старли асосланмаганлиги исботланган, чунки иқтисодиётни режалаштирмасликнинг оқибатлари жамиятни таназзулга олиб келиши мумкин. Муаллиф фикрича, бу ёндашув неолибиralизмнинг назарий асосидир, неолибиralизм эса, ахлоқий қадриятларга йўналганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Неолибералларнинг сиёсий дастури бошқарувчилар ва бошқарилаётганларнинг консенсусга эришиши, омманинг сиёсий жараёнда иштироки, бошқарувдаги қарорларни қабул килиш жараёнини демократлаштиришни камраб олади.

<sup>1</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қиска изоҳли тажрибавий лугат). – Ташкент: Янги аср авлоди, 2002. –Б. 67.

<sup>1</sup> <https://litportal.ru/avtory/fridrik-hayek/kniga-doroga-k-rabstvu-658736.html>

Диссертацияда либерализмнинг шаклари ва типлари таснифланган. Аньанавий либерализмнинг ижтимоий маданий зарурат сифатида ривожланганини XIX асрда англосаксон анъаналари, демократик қадриятларнинг мустаҳкамланиши ва конституциявий қоидаларнинг ривожланиши, байналминаллик, эркин савдо шартларини мустаҳкамлашда ўз ифодасини топганини асосланган. Муаллиф фикрича, Европада либерализм милий бирлашув, иктисадий, сиёсий ва интеллектуал авторитаризмнинг барча шаклларидан воз кечишга қаратилган жараёнлар, шунингдек миллий ўзликни англаш, бир-бирига яқин бўлган тарқоқ давлатларнинг бирлашиши ёки аксинча, империяларнинг парчаланиши, мустакил давлатларнинг ташкил топиш жараёни билан параллел тарзда ривожланган.

Муаллиф фикрича, либерализмда эркинлик нафакат юксак маънавият, балки фойдали, позитив ва рационал ҳодисадир. У жамиятнинг юқори даражадаги маданий, иктисадий, ижтимоий ва сиёсий тизими билан бирга яшайди. Эркинлик – билим ва масъулият, тегишли хукукий тизим ва руҳий тайёргарликни талаб этади. Инсон эркинлиги – устувор йўналиш, лекин мутлак эмас. У бошқа кишилар хукук ва эркинликларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни ўзида мужассамлаштириши ва ўзи ҳамда ўзгалар фаолиятига масъулият билан қарashi лозим. Масъулият эркин фуқаролик жамиятининг ахлоқий асоси хисобланади. Бироқ, бугунги кунда либерал индивидуализм эгоизм ва тажковузкорликда намоён бўлмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирги жамиятда мутлак индивидуализм ва жамоавийлик устувор бўла олмайди, ҳар иккиси якка ҳолда заарли хусусият касб этади. Индивидуализм ва жамоавийликнинг дифференциаллашуви либерал ва консерватив тамойиллар билан мутаносибdir. Индивидуализм кўпхиллиликнинг ривожланишига олиб боради ва албатта, плюрализм тамойилисиз яшай олмайди. Шундай килиб, либерал гоянинг асосини анъанавий жамиятлар ривожланишининг муайян тарихий босқичида пайдо бўладиган асосий сиёсий қадрият сифатида гуманистик тасаввурлар ва қарашлар ташкил этади. Маърифий юксалиш даврида ижтимоий муроса, инсоннинг табиий, давлат пайдо бўлганга қадар ҳолати ва «гугма» инсоний хукуклар ҳақидаги сиёсий таълимотлар ривожланган.

Диссертацияда жаҳон ҳалклари ижтимоий-сиёсий ҳаётida либерал-демократик гояларнинг ўзига хос йўналишлари тадқиқ этилган. Муаллиф фикрича, Шарқ ва Farb менталитетига хос бўлган либерал-демократик гоялар неолиберализм кўринишидаги ёндашувларда намоён бўлади, хусусий мулкчилик замонавий либерал дунёкарашнинг асосий қадрияти сифатида сакланиб колмоқда. Неолибераллар бозорни манипуляция қилиш эмас, балки уни чекланган ҳолда тартибга солишининг заруратини асослаганлар. Эркинликни «салбий» тушунишдан «ижобий» тушунишга ўтиш мазкур қадриятнинг аҳамиятини кучайтиради. Эркинликнинг салбий томонлари ижтимоий ҳаётда салбий оқибатларга олиб келувчи сиёсий муносабатларда айниқса, бошқаларга эркинликни беришни хоҳламайтганлар фаолиятида намоён бўлади. Демократия ва либерализм ўртасидаги тафовут ҳозирги замон сиёсат

фалсафасининг назарий асоси сифатида тан олинган. Муаллиф фикрича, демократизм ҳар доим ҳам либерал сиёсий тамойилларга асосланмайди, айни пайтда, либерализм ҳокимиятни шакллантириш ва амалга оширишининг демократик тартибларисиз, либерал демократиясиз яшай олмайди. Эркинлик рақобатни тақозо этади, у ўз навбатида сиёсий ва иқтисодий эркинликни ўзаро боғлайди. Либерализм бозор рақобати билан бир қаторда ғоялар рақобатига ҳам асосланади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, жаҳонда либерализм элементлари мавжуд бўлмаган мафкура йўқ, либерал қадриятларни химоя қилувчи кучлар мавжуд экан, демократиянинг жамият учун фойдали тизим сифатида амал қилиши учун шароит яратилади.

Диссертациянинг “Жамият ҳаётидаги либерализм ғояларини шакллантиришининг иқтисодий-сиёсий жиҳатлари”, деб номланган II бобида замонавий жамиятда либерал-демократик ғояларнинг мафкуравий омиллари асосланган. Муаллиф фикрича, замонавий либерализм ғоялари уч боскичда ривожланган ва бальзи давлатларда ички ва ташки зиддиятларнинг авж олиши, иқтисодий ва маънавий инқироз билан боғлик. Биринчи боскич XIX асрнинг 1950 йилларини қамраб олиб, унда ҳозирги даврнинг либерал-демократик тараққиётининг асослари шаклланган, иккинчи боскич 1970 йиллардан бошланган, бунда, ходимларнинг касбий маҳоратини ўстириш ва қайта тайёрлаш тизими янгиланган, таълим ва соғлиқни саклашда ислоҳотлар амалга оширилган, ижтимоий соҳа шаклланган, унинг эҳтиёжларига миллий даромаднинг катта қисми ажратилган. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги аҳолининг моддий эҳтиёжларига жавоб берган, бу истеъмол маҳсулотларини оммавий ишлаб чиқаришни тақозо этган. Жамиятнинг фаровонлигини оширишга, аҳоли турли қатламларининг манфаатларини қондиришга зарур шароитлар яратилган. Бу жараёнга сарфланган маблағлар давлат томонидан назорат қилинган ва жамият аҳолисининг барча қатлам ва табақаларининг манфаатлари химояланган.

Муаллиф фикрича, либерал-демократик тизимда давлат сектори аралаш иқтисодиётни тартибга солишининг энг муҳим омилидир. Аралаш иқтисодиёт фақат хусусий мулк эмас, балки меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш кооперацияси каби мулк шаклларини ҳам қамраб олади. Эгалик хукуки, хукмронлик ва фойдаланиш хукуки хусусий мулк эгалари кўлида бўлади, бу бозор муҳитини шакллантиради ва хўжаликни самарали юритишни таъминлайди. Давлат хўжалик юритиш фаолиятини назорат қилиш бўйича қонунларни ишлаб чиқади. Жамият тараққиётининг янги боскичида ишлаб чиқариш янада ижтимоийлашади ва янги боскичга кўтарилади, унинг самарадорлиги юқори бўлади ва мувозанатлашади. Ижтимоий ҳаётни бундай ташкиланиши одамларнинг ташаббусини оширади, уларни самарали фаолият юритишга даъват этади. Давлат ва хусусий мулкнинг аралашуви либерал-демократик тизимнинг муҳим жиҳатидир, бироқ турли мамлакатларда давлат ва хусусий мулк асосларининг динамикаси, уларни хўжаликнинг у ёки бу

соҳаларга қаратиш, соликларнинг йигилиши, уларнинг кўп ёки оз миқдорда олиниши, сарфланиши ва шу ўзига хосликларга эга бўлади.

Диссертацияда янги турдаги иқтисодий муносабатлар ижтимоий гурухларнинг янги қатламини шакллантириши асосланган, муаллиф фикрича бу жараёнда янги сифатдаги янги ижтимоий дифференциация ва янги ижтимоий структура пайдо бўлади. Бу жараёнда ишлаб чиқариш соҳасида ишловчилар сони камаяди, майший хизмат соҳасида ишловчилар сони тез ортиб кетади, улар иқтисодий фаол аҳолининг катта қисмини ташкил қиласидар, ишловчи аёллар фоизи кўпаяди. Муаллиф фикрича, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тегишли сиёсий муносабатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Барча ижтимоий қатламлар ва гурухларнинг ижтимоий мавқега эга бўлиши уларнинг сиёсий соҳада тенг хукукли бўлишларини тақозо этади. Ижтимоий гурухнинг манфаатларини сиёсий партиялар ифодалайди, бунда кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм, сиёсий қарорларни, манфаатларни мувофиқлаштириш ва сиёсий келишувга зарурат пайдо бўлади.

Муаллиф фикрича, либерализм гояларидаги плюрализм мағкуравий плюрализмга мувофиқ келади, яъни фикрлар эркинлиги, хукмон фикр бўлмаслиги, эркин ахборот алмашинувига риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади ва ижтимоий хавфли таълимотлар, миллий адоват, зўравонлик, фашизм ва шунга ўхшашлар таъкиданади.

Замонавий леберализм гоялари ривожланишининг учинчи босқичи XX асрнинг 1980-1990 йилларида бошланган, бунга ахборот инқилоби ва 1974-1975 йиллардаги жиҳон иқтисодий инқирози сабаб бўлган. Инқироз энг аввало давлат сектори фаолиятининг самарасизлигига намоён бўлган. Ижтимоий тизимнинг янги ишлаб чиқариш ва тарихий шароитларга мосла-шиши АҚШ ва Англияда бошланган ва бошка мамлакатларга ҳам муайян даражада таъсир этган. Шу боис, ислоҳотлар давомида давлат сектори қисман хусусийлаштирилган ва қисқартирилган, ижтимоий эҳтиёжларга сарфланадиган харажатлар камайтирилган, соликлар пасайтирилган, иқтисодий жиҳатдан мукаммаллаштирилган. Ахборот инқилоби ҳокимият характерини ўзгартиради, энди у кучга эмас, балки билим ва ахборотга таянган, тушунтириш йўли танланган. Ахборот технологияларининг кенг қўлланиши бошқаришни мукаммаллаштириради, давлат бошқарув тизимининг қисқартириши бюрократияни камайтириради, ҳокимият ва бошқарувни демократлаштириради. Ижтимоий тизимдаги ўзгаришлар мулкнинг аҳамиятини пасайтириради ва кимни ахборотга эга бўлса, ўшанинг ролини оширади. Умумий ахборотнинг, жумладан, даромадлар тўғрисида, маблагларни тасдиқлашнинг ҳамма учун бориб етиши эксплуатация қилиш имкониятини қисқартиради. Одамлар орасидаги фаолиятининг саноат, давлат хизматчиси, маданият, фан, маориф, армия каби соҳаларда фаолият кўрсатишига боғлиқ.

Шундай килиб, либерализм гояларининг трансформацияси аралаш иқтисодиёт, бозор муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш, ижтимоий сиёсат, дифференциациялашган ижтимоий структураси, сиёсий

демократия, мафкуравий плюрализм сингари асослари сақланиб қолади. Бу тизим ҳозирги кунда ҳам энг илғор тарақкий қылган ижтимоий түзилмадир.

Диссертацияда дунёning мафкуравий манзарасида либерализм гоялари уч жиҳатда намоён бўлиши асосланган. Муаллиф фикрича, биринчи жиҳат ихтиёрий танлаб олинган белгилар бўйича ўхшашлик бўлиб, бу умумий ва универсал характер касб этади; иккинчи жиҳат, сиёсий партиялар ва турли ташкилотлар либерал гояларининг бир-бирига ўхшашлиги; учинчи жиҳат, мамлакатларнинг ривожланиши ўзига хос хусусияти уларда мафкуравий плюрализмдаги ўхшашликнинг кучайиб боришида намоён бўлади. Бу биринчидан, ҳозирги замон ахборот инқилоби бўлиб, бу жараён барча давлатларни қамраб олган, иккинчидан, дунёning баъзи мамлакатларида ўзаро ҳамкорлик ва ракобат айни бир натижаларга олиб келади ва ниҳоят, учинчидан бир хил таъсир этувчи глобал муаммоларнинг шакланишига таъсир этади.

Диссертацияда либерализм мафкурасининг асосий йўналишлари асосланган. Муаллиф фикрича, турли сиёсий дунёқарашлар ва уларга оид таркибий қисмларнинг ҳаётлилиги, барқарорлиги, шунингдек, ривожланганлиги уларнинг ижтимоий-тариҳий жиҳатдан талаб этилганлигига ва ушбу дунёқарашлар асосларининг давр руҳи талабларига жавоб бера олиш қобилиятларига боғлиқдир. Инсоният тарихида ҳар қандай мафкура инсон манфаатининг химояси, унинг юксак баҳт-саодат ҳамда фаровон турмуш даражасига эришишни мақсад қылган. Шунингдек, уларнинг бошқа муқобил мафкуралар билан рақобатбардошлиги унинг мослашувчанлиги ва яшовчанлигини таъминлайди. Либерализм гояларининг сиёсий ҳаётлилигига эришиш манбалари орасида унинг бошқа муқобилларга нисбатан ижобий муносабатини алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур. Бунда либерализм гояларига таҳдид солмаслик асосий шарт ҳисобланади. Ушбу қоидадан чекиниш – либерал дунёқарашдан воз кечишига ва бошқа мафкуравий нуктаи назарларга ўтиш билан тенгдир. Либерализм гояларининг моҳияти шундаки, унда бир хиллик, қатъий белгилаб кўйилган месъёрлар ва қоидалар мавжуд эмас. Муаллиф фикрича, сиёсий либерализм гояларидаги толерантлик унинг курашчанлигини камайтирумайди. Унинг рақобатбардошлилиги кўп жиҳатдан мафкуравий курашда тарғибот юритиш ва маърифат каби сиёсий воситалар, шунингдек партия ва парламент ишларини олиб боришдаги қобилияти билан боғлиқдир.

Либерализмнинг асосий тамойили – хуқуқлар ва бошлангич имкониятлар тенглиги шароитидаги эркин ракобатдир. Эркин рақобатнинг маъноси шуки, у сиёсий ёки ижтимоий-иқтисодий мақсадларга эришишнинг объектив мукаммал шакллари ўйгунилигини таъминлайди. Бу ҳолда рақобат курашнинг ижобий шарти бўлиб, унда йўқ бўлиш эмас, балки такомиллашув, диалектика амал қиласи. У мухолифларнинг заиф жиҳатларини кўрсатади ва камчиликларини келгусида бартараф этиш учун, такомиллашув учун уларга имконият беради. Либерал дунёқарашли инсон ҳеч қачон мутаассиблик йўлига ўтмайди, либерализм ҳеч қачон тоталитаризмга айланмайди. Либерализмнинг

класса, и изменения в этой сфере подходили как одна из целей, неразрывно связанных с развитием различных сторон общества. Также понятия «средний класс», «класс землевладельцев» и «средний класс» имеют одинаковое значение в стране. Таким образом, объявление 2011 года Годом малого бизнеса и частного предпринимательства свидетельствует о высоком внимании государства к формированию класса собственности. В Год активного предпринимательства, поддержки инновационных идей и технологий 2018 также уделяется особое внимание развитию малого бизнеса и частного предпринимательства. «Активный предприниматель, - сказал президент Мирзиёев, - мы имеем в виду деловых людей, которые могут производить конкурентоспособную продукцию и, что наиболее важно, создавать новые рабочие места и не только прокормить себя и свои семьи, но и принести пользу обществу в целом. Первая задача состоит в расширение рядов таких предпринимателей, в том числе создание соответствующих условий для ввоза и внедрения высоких технологий, машин и оборудования, основанных на последних достижениях науки в нашей стране. В последние годы в результате усовершенствования предложенного законодательства и принятия новых законов с целью дальнейшего углубления демократических рыночных реформ и либерализации экономики произошли изменения, присущие важным демократическим ценностям. Сегодня создается широкий спектр условий для добросовестной конкуренции и приобретения собственности для бизнеса. Основой узбекской экономики, направленной на развитие рыночных отношений, являются различные формы собственности.

По мнению автора, либерализм берет под свою защиту и покровительство свободу всех форм деятельности, направленных на владение и приумножение частной собственности. Действительно, либерализм направлен на устранение и принятие мер по устраниению частной инициативы и поведения, ограничивающего частное предпринимательство, которое ведет к владению собственностью. Дальнейшее углубление демократических рыночных реформ и либерализация экономики - ключевой фактор в обеспечении эффективности экономических реформ в нашей стране. Благодаря созданным в нашей стране правовым возможностям и льготам для безопасной работы предпринимателей и деловых людей обеспечивается благоприятный инвестиционный климат, негативные последствия мирового финансово-экономического кризиса и экономический рост во всех сферах. Частная собственность остается основной ценностью современного либерального мировоззрения.

Итак, многочисленные теории политического участия (партийная демократия), появившиеся сегодня без неолиберальной или идеологической основы, а также доктрины «состояний общего счастья» (подразумевающие проведение активной социальной политики. Реализация социальных программ, введение системы налогообложения, ограничивающей потребителя, и т. д.) по самой своей природе не противоречит целям политического и экономического либерализма, даже его классической версии.

